**КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!**

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 147 (8887). ✦ 1986 йил 30 июль, чоршанба Баҳоси 3 тийин

## ДОЛЗАРБ КУНЛАР

АВГУСТ ойи пахтакорлар учун энг масъулиятли дам.

Свердлов номли колхознинг Тошкенбой Мақсудов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари буни жуда яхши билишади. Шу туфайли улар барча ишни пухта ва оби-тобида ташкил этишмоқда. Айниқса, коллектив сувчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда. Маҳмуджон Саидназаров, Ҳасанбой Қосимов, Омон Бўтанқулов, Мирзаким Жарилқопов, Акбар Аброров сингари миришкорлар экинни ўз вақтида оби-ҳаётга қондирмоқда.

— Ҳозир сувчининг куни туққан палла,— дейди М. Саидназаров. — Агар бир кун ишни сусайтириб юборсангиз ғўза ҳосилини ташлаб юборади. Аксинча, уни ҳаддан зиёд захлатиб суғорсангиз ғовлаб кетади.

Бригадага қарашли 60 гектар майдондаги ғўзалар дуркун. Ҳар бирида 4—5 тадан кўсак бор. Бу олий ҳиммат деҳқонлар меҳнатининг самараси

**Д. АНОРБОЕВ,**
**Коммунистик райони.**

## ГЕКТАРИДАН 35 ЦЕНТНЕРДАН

БЕКОБОД районидаги Ойбек номли совхознинг 3-бўлимига қарашли Ҳасан Тошбоев бошчилигидаги бригада аъзолари айни вақтда ғўза парваришини тобора авж олдирмоқдалар. Ишлов бериш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Айниқса, бригада сувчиларининг меҳнатлари диққатга сазовордир. П. Бозорбоев, В. Қўшматов, Ғ. Сарибоев каби миришкорларнинг шижоати туфайли ғўзалар икки маротаба суғорилди. Ҳозирги кунда ғўза учинчи бор оби-ҳаётга қондирилмоқда.

— Ҳосил салмоғи айни кунларда амалга ошириладиган ишларимизга боғлиқ, — дейди тажрибали сувчи Пардабой Бозорбоев. — Шу боисдан ҳам биз ишни икки сменада ташкил этганмиз. Тунги суғоришга катта эътибор беряпмиз. Чунки тунда суғорилган ғўзалар ривожи яхши бўлади.

Етилган майдонлардаги ғўза қатор оралари пешмапеш культивация қилиняпти. Культиватор ишчи органлари ғўза гули, кўсакларини шикастлантирмаслиги учун ҳимоя воситалари билан ўралди. А. Саидов, Р. Сарибоев сингари механизаторлар кунига 5—6 гектар ердаги ниҳолларга ишлов беришмоқда.

Бригада аъзолари барча агротехника тадбирларини муддатида, сифатли ўтказиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солишмоқда. Ҳозирда 104 гектар майдондаги ғўзалар баравж ўсяпти. Пахтакорлар бу йил ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган.

**Д. ҚОДИРОВА.**

## АКТИВ БИЛАН УЧРАШУВ

ВЛАДИВОСТОК, 29 июль. (ТАСС). Бу ерга келган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев бугун КПСС Приморье ўлка комитети бюросининг ва ўлка ижроия комитетининг аъзолари, партия ва давлат активи ходимлари билан учрашди.

М. С. Горбачев шу куниёқ Комсомольск-Амур шаҳрига жўнаб кетди.

## БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

28 июль куни Кремлда Н. И. Рижковнинг Т. Озал билан музокаралари бошланди. Энг муҳим халқаро проблемалар хусусида батафсил фикрлашиб олинди. Совет — Туркия яхши қўшничилик муносабатлари бутун комплексининг аҳволи ҳамда уни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари синчковлик билан кўриб чиқилди.

Шу куни СССР Давлат план комитети билан Туркия бош министри ҳузуридаги давлат план ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамда СССР ҳукумати билан Туркия республикаси ҳукумати ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

СССР ҳукумати номидан Т. Озал ва унинг рафиқаси шарафига зиёфат берилди.

Н. И. Рижков билан Т. Озал нутқ сўзладилар, уларнинг нутқлари эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).





▲ **ҒЎЗАНИНГ ривожи, ҳосилнинг салмоғи ва сифати агротехника тадбирларининг ўз вақтида, маромида ўтказилишига боғлиқдир. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ М. Эргашев бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу соҳада яхши ишларни амалга оширмоқдалар. Улар 65 гектар ернинг ҳар гектаридан кам деганда 32 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.**

**Суратларда: ғўзага ишлов бериш пайти. Ўнгда илғор механизатор Холбой Норбоев.**

**А. Зуфаров** фотоси.

## *Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кенгаш*

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги кенгашда КПСС XXVII съездининг қарорлари асосида аҳоли соғлиғини сақлаш ишларини янада яхшилаш ҳамда республика соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларига партия раҳбарлигини кучайтириш вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Госплани, министрликлари ва идораларининг масъул ходимлари, область партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, область соғлиқни сақлаш бўлимлари, олий мактаблар ва илмий тадқиқот институтларининг раҳбарлари, медицина ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда таъкидлаб ўтилдики, халқ соғлиғини мустаҳкамлаш, ҳар бир кишининг актив умрини узайтириш биринчи даражали аҳамиятга молик ишдир. Партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь Пленумининг қарорларида шу муҳим соҳадаги ишларнинг аҳволини тубдан яхшилаш юзасидан катта вазифалар қўйилди. Республиканинг кўпгина партия комитетлари ва совет органлари соғлиқни сақлаш муассасалари ишига тегишли эътибор бермаётганликлари, медицина ходимлари тафаккури ва психологиясини, уларнинг фаолиятини ташкил этишни, иш услуби ва методларини қайта қуришни таъминлаш учун ўз обрў-эътибори ва таъсир кучидан фойдаланиш тўғрисида жон куйдирмаяптилар.

Кенгашда республика соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг жойлардаги органлари шаънига жиддий танқид сўзлари айтилди. Жумладан, медицина хизмати сифатини яхшилаш билан бирга санитария-маориф ишларини ҳамда ҳушёр ва соғлом турмуш тарзи пропагандасини анча юксалтириш, аҳолини атеистик руҳда тарбиялашга фаол киришиш лозимлиги таъкидланди.

Кенгашда соғлиқни сақлаш ишларининг яхши моддий-техникавий базасини яратиш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Ҳозир кўпгина даволаш-профилактика муассасалари; айникса қишлоқлардаги шундай муассасалар мослаштирилган биноларда жойлашган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар бир колхоз ва совхозда қишлоқ даволаш амбулаториялари, фельдшерлик, акушерлик пункти, дорихона, сут ошхонаси, ҳаммом ва болалар боғчасини ўз ичига олувчи саломатлик марказлари ишлаб туриши керак. Бундай марказларни барпо этиш тажрибаси бор ва бу тажрибани ҳамма чоралар билан ёйиш керак.

Кенгашда айтилдики, пудратчи министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари соғлиқни сақлаш объектлари қурилишини биринчи навбатдаги қурилишлар ҳисобига киритмай, уларга зарур киши ресурслари ва моддий ресурсларни юбормаяптилар. «Главташкентстрой» соғлиқни сақлаш ишлари қурилишида катта қарз бўлиб қолмоқда.

Жойлардаги партия ва совет органлари шу аҳвол билан муросасозлик қилиб келмоқдалар. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги кадрлар сиёсатининг ҳолати ҳам чуқур анализ қилиб берилди. Бошланғич партия ташкилотлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш билан тузук шуғулланмаётганлиги, мавжуд салбий ҳодисаларни тугатишда ҳамон сусткашлик қилаётганлиги айтилди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди.

**(ЎзТАГ).**

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

### ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ДЕҲҚОНЛАРИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАСИ ИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА 1986 ЙИЛДА ПАХТА ВА БОШҚА ДЕҲҚОНЧИЛИК, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЗИММАГА ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Жиззах области деҳқонлари ўзаро текшириш бригадаси раҳбари, Жиззах область партия комитетининг секретари А. Т. Турдиқуловнинг ахборотини эшитиб ва муҳокама этиб Тошкент область партия комитети бюроси шуни қайд қиладики, область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш юзасидан қизғин иш олиб бормоқдалар. Улар 1986 йил ва умуман беш йилликда деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича социалистик мажбуриятни бажаришни таъминлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Лекин шу билан бирга ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ҳақли равишда қайд қилганларидек, айрим районлар ва хўжаликларда хотиржамлик кайфиятига берилиш ҳоллари учрамоқда. Далаларда иш бирмунча бўшаштириб юборилган. Пахта, каноп, сабзавот, қовун-тарвуз, картошка экинлари парваришини кучайтиришга қаратилган зарур тадбирлар амалга оширилмаяпти. Озуқа тайёрлаш ишлари анча сусайтирилган.

Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл районларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш юксак савияда ташкил этилмаган, Янгийўл, Оққўрғон, Бўка, Чиноз районларида қишлоқ хўжалик техникаси ва кўсак териш техникасини мавсумга созлаш секинлик билан бормоқда.

Мева-сабзавот ва картошка тайёрлаш суръатлари ҳам қаноатланарли эмас. Оҳангарон райони хўжаликларида планга нисбатан 4 процент маҳсулот тайёрланди. Бўстонлиқда эса бу кўрсаткич 14 процентга етди. Умуман олганда область бўйича ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 минг тонна мева кам тайёрланди. Паркент, Тошкент, Бўстонлиқ районлари хўжаликлари, айниқса, оқсамоқдалар.

Чорвачиликдаги аҳвол тиғизлигича қолмоқда. Оққўрғон, Ғалаба, Чиноз, Янгийўл районларида давлатга сут топшириш бирмунча орқада қолмоқда. Бу районлардаги хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари, совет, хўжалик органлари ҳамда Коммунистик ва Пискент районлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитетининг ем-хашак тайёрлашни кучайтириш тўғрисидаги талабларидан етарлича хулоса чиқариб олмаганлар. Бу ерда дағал хашак тайёрлаш планлари 41—45 процент бажарилган.

Жойларда ферма ходимлари ўртасида социалистик мусобақани ташкил этишга етарли эътибор берилмаяпти. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг юқори унум билан ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган.

Область партия комитети бюроси район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, РАПОлар, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари раҳбарлари, колхозлар, совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига пахтадан мўл, эртаки, сифатли ҳосил етиштириш, уни ўз вақтида ва уюшқоқлик билан юқори сифатли қилиб йиғиб-териб олинишини таъминлашга қаратилган ташкилотчилик ишларини кучайтиришни топширди.

Шу мақсадда ҳамма ерда ғўза парваришини кучайтириш зарур. Суғоришни ўз вақтида ўтказилиши юзасидан назоратни кучайтириш керак. Экиннинг чанқаб қолишига асло йўл қўймаслик зарур. Суғоришда шарбат усулидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни асло бўшаштирмайлик. Ҳашарот тушган ерларни аниқлаш ва бундай карталарга ўз вақтида ишлов беришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

5 августга қадар ҳамма ерда чеканкани тугаллаш, 15 августдан кечиктирмасдан пахта териш техникалари, пахта заводлари, тайёрлов пунктларини ремонт қилиш ва мавсумга созлашни ниҳоясига етказиш керак. Етарли миқдорда ёнилғи-мойлаш материаллари запаси бўлсин. Ҳамма ерда дефолиацияга ва уни ўтказишга тайёргарликни авж олдириш зарур.

Район партия комитетлари, область агросаноат комитети, РАПОлар, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташоблсельхозхимия», область матлубот жамияти, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари, йиғим-теримга техника ва ишчи кучларини тўла миқдорда сафарбар этишлари, картошка, мева, узум тайёрлаш суръатларини кескин оширишга эришишлари керак. Ҳамма ерда картошкани омборларда сақлашни йўлга қўйиш лозим. Ана шунда кечки ҳосил пишиб етилгунча аҳолини бу хилдаги маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш имкониятига эга бўлинади. Шаҳарнинг савдо ташкилотларига янги узиб олинган сабзавот, мева маҳсулотларини кенг ассортиментда ва юқори сифатли қилиб етказиб беришга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Силос ва дон учун маккажўхори ўришни ўз вақтида, уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда бу ишни 10—15 кун ичида ниҳоясига етказиш, ўримдан сўнг 1 августдан бошлаб кўк озуқа учун оралиқ экинлар экишни кучайтириб юбориш лозим.

Силос учун маккажўхори ўриш суръатларини кучайтириш, бу ишга барча силос ўрадиган комбайнларни жалб этиш, ҳар бир хўжалик бўйича силос бостириш планларининг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш керак. Шу билан бирга бедага эътиборни кучайтириш, ҳамма ерда кам деганда бу экин ҳосилини 6 марта ўриб олишга эришиш, дағал пояли ўтлар—қамиш ва бошқа ўтлардан озуқа тайёрлаш ва уларни АВМ агрегатларида қайта ишлаш соҳасидаги ишларни давом эттириш, картошка палагини ҳам озуқа учун йиғиштириб олиш, похолнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик зарур.

Ҳамма ерда фермалар, комплекслар, паррандачилик фабрикалари иши устидан назоратни кучайтирайлик. Чорвани боқиш, парвариш қилиш, озиқлантириш учун шарт-шароитларни ҳар жиҳатдан яхшилашнинг таъсирчан чораларини кўриш, чорванинг бош сони ва маҳсулдорлиги кўпайишини таъминлаш, гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш учун курашиш зарур.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари колхозларда, совхозларда раҳбарлар ва мутахассисларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, давлат ва план интизомини бундан буён янада мустаҳкамлаш учун зарур тадбирларни кўришлари, моддий техника ресурсларини иқтисод қилиш учун курашни авж олдиришлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб олиш, ташиш ва сақлаш пайтида нобудгарчиликларга йўл қўймаслик учун ҳамма чора-тадбирларни кўришлари керак.

## РАҲБАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

### *Андижон область партия комитети пленумидан*

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг КПСС XXVII съезди ўртага қўйган кенг кўламли вазифалари жамиятимиз сиёсий системаси ҳамма бўғинларини активлаштиришни тақозо этади. Халқ ҳокимияти органлари — халқ депутатлари Советлари бу сиёсий системада алоҳида ўрин тутади. Ижтимоий тараққиётнинг бутун бориши жойларда ишларнинг аҳволи учун, асосий иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этиш, иш мазмуни ва услубида сифат жиҳатидан бурилиш учун, ошкораликни кучайтириш ҳамда ташаббускорликни ривожлантириш учун Советларнинг роли ва масъулиятини реал даражада кучайтиришни талаб қилмоқда.

Андижон область партия комитетининг 29 июль куни бўлиб ўтган пленумида ана шулар таъкидлаб ўтилди. Пленумда область ижроия комитетининг раиси коммунист Ж. Ҳасановнинг область социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун оммани сафарбар этишда маҳаллий Советларнинг ролини ошириш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш борасидаги ишлари масаласи муҳокама қилинди.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлар Балиқчи район партия комитетининг биринчи секретари А. Мўминов, Андижон ёғ-мой комбинатининг бригадири В. Ф. Гаврилова, «Андижаннефть» бошқармасининг бошлиғи Н. Р. Раҳимов, Комсомолобод район ижроия комитетининг раиси Х. Рустамова, 162-қурилиш трестининг бошқарувчиси Р. Ҳайдаров, халқ депутатлари Найман қишлоқ советининг раиси Т. Собирова, Жалолқудуқ районидаги Свердлов номли колхоз бригадири М. Отабоева, Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли совхоз директори Т. Холиқов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов областдаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиб, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети, область партия комитетининг бўлимлари раҳбар кадрларни ҳозирги замон талаблари руҳида психологик жиҳатдан қайта қуришга, уларни янгича фикрлаш ва ишлашга ўргатишга эриша олмаганликларини ташвишланиб таъкидладилар. Кўпгина раҳбарларда ҳали ҳам ўзига бино қўйиш кайфиятлари мавжуд, улар ҳақиқатни яшириб, камчиликларни бўяб кўрсатишга, ишдаги ўпирилишлар учун масъулиятни бошқалар зиммасига ағдаришга уринмоқдалар. Ишнинг кабинет, идорачилик услуби ҳали ҳам бартараф этилмаган, кўпинча раҳбарлик умумий тарзда амалга оширилмоқда, бевосита меҳнат коллективларидаги ишларнинг аҳволи яхши ўрганилмаяпти.

Шу муносабат билан пленумда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, буюмларнинг сифатини яхшилаш, область саноат корхоналари ишидаги штурмчиликни ва бир маромда иш олиб бормасликни тугатиш зарурлиги ҳақидаги масалалар кўндаланг қилиб қўйилди.

Капитал қурилишдаги аҳвол жиддийлигича қолмоқда. Саноат қурилишларида, социал-маданий-маиший объектлар қурилишида ва аввало уй-жой қурилишида ишни кескин равишда яхшилаш лозим. Қурилишда ишни яхшилаш энг аввало маҳорат билан планлаштиришга, объектлар сонини ва уларни барпо этиш муддатларини камайтиришга боғлиқдир. Уй-жой масаласини ҳал этишга алоҳида эътибор бериш керак.

Агросаноат комплексининг юксак самара билан ишлашини таъминлаш муҳимдир. Қишлоқ хўжалигини фонд билан таъминлаш даражаси ўсган бўлишига қарамай, у экстенсив ривожланмоқда, бир жойда депсиниб қолмоқда. Колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлиги ўсмаяпти, аксинча камайиб кетмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, область қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари янгичасига ишлаб, юксак натижаларга эриша оладилар. Хўжаликларга ташаббускор кишилар раҳбарлик қилаётган жойларда, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари қўлланилиб, интенсив технология жорий этилаётган жойларда ҳосил ҳам чакки бўлмаяпти, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда. Областда ғўзанинг ривожини жадаллаштириш, йўл қўйилган қолоқликни тугатиш ишлари етарли олиб борилмаяпти.

Халқ учун жуда муҳим бўлган Озиқ-овқат программасини бажариш ҳам Советларнинг ишига боғлиқ. Биринчи ярим йилликда гўшт ва тухум тайёрлаш планлари бажарилган бўлсада, жамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг мавжуд резервларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Чорвачилик секин ривожланаётганлигининг асосий сабабларидан бири шундаки, областда чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга кам эътибор берилмоқда. Ўтган ярим йилда сигирлар сони камайиб кетди, улардан кам сут соғиб олинди. Ем-хашак тайёрлашда ҳам ташвишли аҳвол юз берди. Ем-хашак тайёрлаш суръатлари пасайиб кетди, тайёрлаш технологияси бузилмоқда. Хўжаликлар маккажўхори ўриш ва силос бостиришга ҳали киришганлари йўқ. Сабзавотчиликда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш область учун жуда катта сиёсий, иқтисодий ва социал аҳамиятга эга. Бироқ бу соҳада қилинаётган ишларни қониқарли, деб бўлмайди.

Қонун ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш Советларнинг энг муҳим вазифасидир. Гражданларнинг меҳнат қилиш, уй-жойли бўлиш ва бошқа ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишига кескин ва ўз вақтида зарба беришни партия талаб қилмоқда.

Сўнгги вақтларда областда физкультура-спорт ва маданий-оммавий ишларни ташкил этишда силжишлар кўзга ташланиб қолди. Шу билан бирга Советлар маданият ва спорт муассасалари сиёсий-тарбиявий ишларнинг таянч марказлари бўлиб қолишига эришганларича йўқ. Қолоқ урф-одатларга қарши курашда ҳужумкорлик йўқлиги айниқса ташвишлидир.

Пленум қатнашчилари халқ депутатлари область Совети ижроия комитети ва унинг раиси иш услубига алоҳида эътибор бердилар.

Пленумда партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг масъулияти тўғрисида алоҳида гапирилди. Улар ишни бошқаришлари, ўзларига ишониб топширилган участкаларда қайта қуришни ташкил этишлари керак. Лекин энг аввал, уларнинг ўзлари расмиятчиликдан халос бўлиб, ишни қайта қуришлари, масалаларни муҳокама қилиш чоғида ҳақиқий коллективчиликка риоя этишлари, ўз бурчлари ва партия топшириқларини бажариш учун шахсий масъулиятни ҳис этишлари керак. Хўжалик юритишнинг янги шароитлари концепцияларига дадилроқ таяниш, сўнгги вақтда тўпланган тажрибадан тўлароқ фойдаланиш, партиянинг хўжалик мустақиллигини бутун чоралар билан кенгайтиришга, корхоналарнинг роли ва жавобгарлигини оширишга, бошқарувда халқ оммасининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган йўлини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамма энг яхши нарсаларни амалиётда мустаҳкамлаш зарур.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

**(ЎзТАГ).**

